

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БАНК-МОЛИЯ АКАДЕМИЯСИ ВА
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSC.27.06.2017.I.15.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

ПАРДАЕВ УМИДЖОН УРАЛОВИЧ

**ДАВЛАТ БЮДЖЕТИНИ ПРОГНОЗЛАШТИРИШ УСЛУБИЁТИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

08.00.07 – Молия, пул муомаласи ва кредит

**ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент шаҳри – 2018 йил

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по экономическим наукам**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on economical sciences**

Пардаев Умиджон Уралович

Давлат бюджетини прогнозлаштириш услубиётини
такомиллаштириш 3

Пардаев Умиджон Уралович

Совершенствование методологии прогнозирования государственного
бюджета 27

Pardaev Umidjon Uralovich

Improvement of the methodology for forecasting the government budget ... 51

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 55

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БАНК-МОЛИЯ АКАДЕМИЯСИ ВА
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSC.27.06.2017.I.15.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

ПАРДАЕВ УМИДЖОН УРАЛОВИЧ

**ДАВЛАТ БЮДЖЕТИНИ ПРОГНОЗЛАШТИРИШ УСЛУБИЁТИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

08.00.07 – Молия, пул муомаласи ва кредит

**ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент шаҳри – 2018 йил

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.2.PhD/Iqt112 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент молия институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.bfa.uz) ва «Ziyonet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Олимжонов Одил Олимович иктисодиёт фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Каримов Норбой Ғаниевич иктисодиёт фанлари доктори, профессор Ғайбуллаев Орзимурод Зиядуллаевич иктисодиёт фанлари номзоди
Ётақчи ташкилот:	Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси Солиқ академияси

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси ва Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.I.15.01 рақамли илмий кенгашнинг 2018 йил «__» _____ куни соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади
Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Мовароуннаҳр кўчаси, 16-уй. Тел.: (99871) 237-54-01, e-mail: info@bfa.uz.

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академиясининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (____ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Мовароуннаҳр кўчаси, 16-уй. Тел.: (99871) 237-53-25, факс: (99871) 237-54-01, e-mail: info@bfa.uz.

Диссертация автореферати 2018 йил «__» _____ куни тарқатилди.
(2018 йил «__» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

А.Ш. Бекмуродов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, и.ф.д., профессор

У.В. Ғафуров

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, и.ф.д., доцент

Н.М. Махмудов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, и.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунё миқёсида Жаҳон банки, Халқаро валюта жамғармаси каби халқаро молия институтлари давлат молиясини бошқаришда мамлакатнинг бюджет ресурсларидан самарали фойдаланиш ва барқарор ривожланишни таъминлашга оид чора-тадбирлар мажмуини ишлаб чиқиш ва амалга оширишни назарда тутди. Шу боисдан бюджет маблағларини мақбул прогнозлаштириш даромадларни оқилона шакллантириш билан бирга ундан мақсадли ва манзилли фойдаланишга эришишни кўзлайди. Айнан, мазкур чора-тадбирларнинг мақсадга мувофиқ тарзда амалга оширилмаслиги давлат бюджетидида тақчилликнинг вужудга келишига сабаб бўлади. Хусусан, глобал молиявий-иқтисодий инқирознинг иккинчи тўлқини Европа Иттифоқининг қатор давлатларида давлат бюджети тақчиллигининг ошиб бориши натижасида юзага келди. Таҳлилларнинг кўрсатишича, 2017 йил якунларига кўра мазкур кўрсаткич Буюк Британияда 3,6 %ни, Испанияда 3,3 %ни, Францияда 3,1 %ни, Италияда 2,3 %ни, Полшада 2,2 %ни ташкил этган¹. Давлат молиявий ресурслари тақчиллиги шароитида давлат бюджетини прогнозлаштириш янада мураккаблашади.

Жаҳонда давлат бюджетини прогнозлаштириш услугиётини такомиллаштиришга доир устувор йўналишларда, жумладан, ўрта муддатли бюджетни режалаштириш, натижага йўналтирилган бюджетлаштириш, дастурий-мақсадли усулда бюджетни режалаштириш услугиётини такомиллаштириш, давлат бюджети прогноз хатоликларининг ижтимоий-иқтисодий ривожланишга таъсири бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу ўз навбатида мазкур тадқиқот мавзусининг долзарблигини ҳам белгилаб беради.

Ўзбекистонда иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштиришни амалга ошириш борасида қабул қилинаётган давлат дастурларида давлат бюджети шаффофлигини ва барча даражадаги бюджетлар мутаносиблигини таъминлаш, маҳаллий бюджетлар даромад қисмини мустаҳкамлаш каби ўта муҳим вазифалар белгиланмоқда. Аммо, мамлакатимизда давлат бюджети солиқли даромадларини прогноз қилиш механизмнинг мукамал эмаслиги, бюджет ташкилотларига етарлича маблағлар ажратилмаслиги оқибатида давлат хизматларининг сифати тушиб кетишига олиб келди. Давлат бюджети маблағларидан оқилона фойдаланиш масаласига алоҳида эътибор берилган ҳолда «Давлат бюджети ўлчовсиз эмас, маблағларни каттиқ тежаш, белгиланган мақсад учун ва оқилона ишлатишни таъминлаш зарур»²лигига оид эътирофнинг нақадар ўринли эканлигини қайд этиш мумкин. Шунинг учун ҳам 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-

¹ <https://www.cia.gov/library/publications/the-world-factbook/rankorder/2222rank.html>

² Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиш керак. – Т.: Ўзбекистон, 2017. – 31 б.

қувватлаш йили»да амалга оширишга оид давлат дастурида «Бюджет даромадлари ва харажатларининг халқ учун очик ва ошкора бўлишини таъминлаш»³ бўйича аниқ чора-тадбирлар белгилаб берилди.

Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодекси «2013 йил 26 декабрдаги ЎРҚ-360-сон Қонуни таҳрири», Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси «2017 йил 13 июлдаги ЎРҚ-436-сон Қонуни таҳрири», Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 22 январдаги ПФ-5308-сон «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили»да амалга оширишга оид давлат Дастури тўғрисида»ги Фармони ва 2017 йил 29 декабрдаги ПҚ-3454-сон «Ўзбекистон Республикасининг 2018 йилга мўлжалланган асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги Қарорида белгиланган ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертацион тадқиқот натижалари муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқот ишининг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ ИТД-2 «Демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш, фуқаролик жамиятини шакллантириш, миллий иқтисодиётни модернизациялаш ва эркинлаштиришнинг илмий асосларини ишлаб чиқиш» лойиҳаси доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Давлат бюджетини прогнозлаштириш услубиётига оид мулоҳазалар хорижлик иқтисодчилар С. Allan, J. Armstrong, M. Asher, A. Auerbach, J. Davis, J. Keynes, L. Klein, S. McNees, Nithin K ва Rathin Roy, A. Prest, K. Ruth, H. Theil, Л. Абалкин, И. Александров, М. Архипцева, А. Лавров, Г. Поляк, М. Шакуум⁴ларнинг илмий асарларида ёритилган.

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 22 январдаги «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили»да амалга оширишга оид давлат Дастури тўғрисида»ги ПФ-5308-сон Фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2018 йил 29 январь, 4-сон, 68-модда

⁴Allan C. (1965). Fiscal Marksmanship, 1951-63. Oxford Economic Papers, 17(2), 317-327.; Armstrong, J. & Fildes, R. (1995). On the selection of Error Measures for Comparisons Among Forecasting Methods. Journal of Forecasting, 14, 67-71.; Asher, M. (1977). Fiscal Marksmanship in Singapore, 1966 to 1974-75. SuaraEkono'd, 14, 11-22.; Auerbach, A., 1999, «On the Performance and Use of Government Revenue Forecasts» National Tax Journal, Vol. 52 (December), pp. 767-82; Davis, J. (1980). Fiscal Marksmanship in the United Kingdom, 1951-78. Manchester School of Economics & Social Studies, 48(2), 187-202.; Klein, L. (1974). A textbook of econometrics (pp. 341-42). (NJ): Prentice-Hall.; McNees, S. (1975), «An Evaluation of Economic Forecasts», The New England Economic Review.; Nithin K and Rathin Roy. 2014. Finance Commission of India's Assessments: A Political Economy Contention between Expectations and Outcomes. Sep.; NIPFP Working Paper No. 141; Prest, A. (1961). Errors in Budgeting in the UK. British Tax Review, 30-43.; Ruth, K. (2008). Macroeconomic forecasting in the EMU: Does disaggregate modeling improve forecast accuracy?. Journal of Policy Modeling, 30 (3), pp. 417-429.; Theil, H. (1966). Applied Economic Forecasting. Amsterdam: North Holland. Абалкин Л., Витте

Иқтисодий тартибга солиш ва тараққийга эришишда солиқлардан фойдаланиш М. Альмардонов, Б.Азимов, Т. Маликов, Ж. Муродов, Б. Ташмуродовлар илмий тадқиқотларида ўз аксини топган⁵. Аҳолидан ундириладиган солиқлар ва уни такомиллаштириш масалалари О. Абдурахмонов, А. Адизовлар томонидан тадқиқ қилинган⁶. Бевосита ва билвосита солиқлар, уларни ҳисоблаш амалиёти, механизмлари, нисбат муносабатлари, ушбу солиқ турларини прогнозлаштиришга айрим ёндашувлар М. Абишов, Д. Даминов, М. Камилов, А. Таниев, Ш. Тошматов, И. Эргашев, Б. Қодировлар томонидан келтирилган⁷. Солиқлар ва уларнинг бюджет даромадларини шакллантиришдаги ўрни, бюджет даромадларининг прогноз сценарийлари А. Исламқулов, А. Жўраев, А. Маманазаров, О. Олимжонов, Н. Тилабов, Н. Хайдаровларнинг илмий асар ва тадқиқотларида ёритилган⁸. Аммо ушбу илмий изланишларда Ўзбекистонда давлат бюджетини прогнозлаштириш услубиёти алоҳида тадқиқот объекти сифатида ўрганилмаган. Ўрта муддатли истиқболда иқтисодий

С. Экономические воззрения и государственная деятельность. РАН Ин-т экономики. -М., 1999. 52, с.; Александров И. Налоги и налогообложение: Учебник. 5-е изд., перераб. и доп. -М.: «Дашков и К», 2006. - 318с.; Архипцева М. Методологические основы прогнозирования и планирования налоговых поступлений в бюджетную систему. //Налоги и налогообложение. 2007. №12.-С. 9-14; Лавров А. Бюджетная реформа 2006-2008 г: от управления затратами к управлению результатами. /Финансы. 2005 - №11, С. 36.; Поляк Г. Территориальные финансы: учебное пособие; Вузовский учебник; 2003 г.; 3000; 479 стр.; Шаккум М. Формированию системы индикативного планирования и ее инвестиционно-бюджетного инструментария // Российский экономический журнал. – 1999. – № 7. – С. 35–42.

⁵ Альмардонов М. Ўзбекистон Республикаси солиқ тизими ва унинг тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга таъсири. И.ф.д. илмий даражасини олиш учун ёзилган дис.автореф. – Т., 2004. - 42 б.; Азимов Б. Корхоналар фаолиятини солиқлар воситасида тартибга солиш механизмининг такомиллаштириш йўналишлари. И.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган дис.автореф. – Т., 2004. -24 б.; Муродов Ж. Юридик шахсларни солиққа тортиш тизими ва уни иқтисодий эркинлаштириш шароитида такомиллаштириш. И.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган дис.автореф. – Т., 2004. -24 б.; Ташмуродова Б. Иқтисодий тараққийга эришишда солиқлардан самарали фойдаланиш. И.ф.д. илмий даражасини олиш учун ёзилган дис.автореф. – Т., 2004. -44 б.

⁶ Абдурахмонов О. Аҳолидан олинадиган даромад солиғи ва уни такомиллаштириш масалалари. И.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган дис.автореф. – Т., 1999. -20 б.; Адизов А. Жисмоний шахслардан олинадиган солиқлар тизимини такомиллаштириш. И.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган дис.автореф. – Т., 2004. -24 б.

⁷ Абишов М. Эгри солиқларнинг ишлаб чиқариш самардорлигини оширишга таъсири (Қорақалпоғистон Республикаси мисолида). И.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган дис.автореф. – Т., 2011. -24 б.; Даминов Д. Ўзбекистон солиқ тизимида тўғри солиқларни ҳисоблаш механизмининг такомиллаштириш. И.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган дис.автореф.– Т., 2011. -24 б.; Камилов М. Қўшилган қиймат солиғини ундириш механизми ва уни такомиллаштириш йўллари. И.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган дис.автореф. – Т., 2007. -24 б.; Таниев А. Ўзбекистонда билвосита солиқларни ундириш механизми ва уни такомиллаштириш йўллари. И.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган дис.автореф. – Т., 2009. -24 б.; Тошматов Ш. Қўшилган қиймат солиғи ва уни такомиллаштириш йўллари. И.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган дис.автореф. – Т., 2003. -24 б.; Эргашев И. Миллий бозорни ҳимоялашда акциз солиғини ҳисоблаш амалиётини такомиллаштириш. И.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган дис.автореф. – Т., 2011. -24 б.; Қодиров Б. Бевосита ва билвосита солиқлар ўртасидаги нисбат муносабатлари ва солиқ тизимини такомиллаштириш масалалари. И.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган дис.автореф. – Т., 2004. -24 б.

⁸ Исламқулов А. Бюджет даромадларида бевосита солиқлар тушуми барқарорлигини таъминлаш йўллари. И.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган дис.автореф. –Т., 2012. -24 б.; Жўраев А. Давлат бюджети даромадларини шакллантиришнинг самарали йўллари. Монография. –Т.: Янги аср авлоди, 2005.; Маманазаров А. Маҳаллий бюджетларни барқарорлаштиришда солиқларнинг ролини ошириш масалалари. И.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган дис.автореф. – Т., 2002. -24 б.; Олимжонов О. Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида солиқ сиёсати. //Ҳаёт ва қонун. –Тошкент, 1992. - №2, 8-12 б.; Тилабов Н. Ҳозирги шароитда солиқларни бюджетга ўз вақтида келиб тушишини таъминлаш масалалари. И.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган дис.автореф. – Т., 2004. -24 б.; Хайдаров Н., Маликов Т. Бюджет даромадлари ва харажатлари. -Т.: Iqtisod-moliya, 2007.

ривожлантириш ва либераллаштириш шароитида давлат молияси соҳасида амалга оширилаётган институционал ислохотлар доирасида давлат бюджетини прогнозлаштириш масалаларини комплекс таҳлил этишнинг зарурлиги ушбу йўналишдаги тадқиқотларнинг олиб борилишини тақозо этмоқда. Қайд этилган ҳолат тадқиқот мавзусининг долзарблик даражасини янада оширади.

Диссертация тадқиқотининг олий таълим муассасаси илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент молия институтининг «Иқтисодийни модернизация қилиш шароитида молия, банк ва ҳисоб тизимини мувофиқлаштиришнинг илмий асослари» мавзусидаги стратегик йўналиши доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Ўзбекистонда давлат бюджетини прогнозлаштириш услубиётини такомиллаштириш юзасидан илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

давлат бюджетини прогнозлаштириш кўрсаткичларини тизимлаштириш ҳамда таснифлаш;

давлат бюджети даромадларини барқарорлаштиришга прогнозлаштириш услубиётининг таъсирини баҳолаш;

давлат бюджетини прогнозлаштириш хусусиятларининг услубий асосларини ва прогнозлаштириш хатоликларини аниқлаш;

давлат бюджетини прогнозлаштириш услубиёти юзасидан илғор хорижий тажрибани ўрганиш ва ижобий амалиётни Ўзбекистонда қўллаш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқиш;

давлат бюджетининг истиқбол даврларга мўлжалланган прогноз сценарийларини ишлаб чиқиш ва илмий асосланган хулосаларга келиш.

Тадқиқотнинг объекти бўлиб Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предметини давлат бюджетини прогнозлаштириш жараёнидаги иқтисодий муносабатлар ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация ишида гуруҳлаш, қиёсий ва иқтисодий таҳлил, статистик таҳлил, таққослаш ҳамда иқтисодий-математик моделлаштириш ва прогнозлаш усуллари кенг фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

давлат бюджети даромадларини барқарорлаштириш мақсадида юридик шахсларнинг мол-мулк солиғи ставкасини оптималлаштириш орқали реал сектор корхоналарида ишлаб чиқаришни модернизациялашга солиқ сиёсатининг таъсирчанлигини ошириш ва солиқ юкини мақбуллаштириш асосланган;

жисмоний шахсларнинг мулкларидан оқилона фойдаланишни рағбатлантириш бўйича мол-мулк солиғини ҳисоблаш тартибини такомиллаштиришда мол-мулк қийматининг энг кам меъёрларини қўллаш асосланган;

давлат бюджети даромадлари бўйича ишлаб чиқилган прогноз кўрсаткичларининг аниқлигини ошириш ва ягона ер солиғининг қишлоқ

хўжалиги товарлари ишлаб чиқарувчиларнинг иқтисодий фаоллигига таъсирини кучайтиришда қишлоқ хўжалиги ерларининг норматив қийматини ҳар йили қайта баҳолаш асосида солиққа тортиш тартиби таклиф этилган;

давлат бюджети даромадларини жамлаш тартибини такомиллаштириш мақсадида жисмоний шахслардан келиб тушадиган солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни бюджет даромадларига ундиришнинг Ягона ғазна ҳисобварағига йиғиш услуги ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

юридик шахсларнинг мулкига солинадиган солиқ ставкасининг оптималлаштирилиши натижасида 2016 йилда 2015 йилга нисбатан давлат бюджетига юридик шахслар мулк солиғи бўйича тушум миқдорининг 19,8 фоизга кўпайишига эришилиши исботланган;

мулкларни (уй-жойларни) кадастр ҳужжатларидаги қиймати билан бозор қиймати ўртасидаги тафовутларни мақбуллаштириш ҳамда мулк солиғи бўйича тушумларнинг прогноз кўрсаткичларини аниқлаштириш мақсадида жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни ҳисоблаб чиқаришда мол-мулкнинг инвентаризация қийматидан келиб чиқиб, энг кам меъёрий қийматдан кам бўлмаган миқдорни белгилаш асосида ҳисоблаш тартибини жорий этиш тавсия этилган;

қишлоқ хўжалиги товарлари ишлаб чиқарувчиларнинг ерлардан оқилона фойдаланишларини солиқлар воситасида рағбатлантиришда ерларнинг сифат кўрсаткичлари яхшиланиш даражасини ҳисобга олган ҳолда қишлоқ хўжалиги ерларини қайта баҳолаш ва унга мос равишда ягона ер солиғи ставкасини пасайтириш таклиф этилган;

давлат бюджети даромадларини шакллантиришни жадаллаштириш мақсадида жисмоний шахслардан олинадиган солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни тўлиқ Ягона ғазна ҳисобварағида йиғишнинг такомиллаштирилган механизми тавсия этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги уларни маҳаллий ва хорижий иқтисодчи олимларнинг давлат бюджетини прогнозлаштириш услугиётини такомиллаштириш хусусидаги илмий-назарий қарашларини қиёсий ва танқидий таҳлил қилиш, ижобий хорижий амалиётни тадқиқ этиш, маълумотлар базасининг мутасадди ташкилотларнинг расмий ахборот манбаларидан олинганлиги, хусусан, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳисобот маълумотларига асосланганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти давлат бюджетини прогнозлаштириш услугиётининг танқидий қиёсий таҳлилини амалга оширишда, амалиётда бюджет тизимида юзага келаётган муаммоларни ўз вақтида бартараф этиш жараёнида ҳамда мазкур йўналишдаги илмий тадқиқот ишларини амалга оширишда фойдаланиш мумкинлигида намоён бўлади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган илмий ва амалий тавсияларни давлат бюджетини прогнозлаштириш услугиётини

такомиллаштиришга доир дастурлар ва истиқбол даврга мўлжалланган режаларни ишлаб чиқишга, хусусан, 2017-2021 йилларда Ўзбекистонни янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифалар ижросини таъминлашга хизмат қилиши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Давлат бюджетини прогнозлаштириш услубиётини такомиллаштириш бўйича ишлаб чиқилган таклифлар асосида:

2016 йил 1 январдан бошлаб юридик шахсларнинг мулкига солинадиган солиқ ставкасини 4 фоиздан 5 фоизга ошириш тавсияси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 22 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2016 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги ПҚ-2455-сон қарорининг 18-илоvasи билан солиқ амалиётига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг 2016 йил 12 декабрдаги 16/1-29204-сон маълумотномаси). Бунинг натижасида реал сектор корхоналарида ишлаб чиқаришни модернизациялашга солиқ сиёсатининг таъсирчанлигини ошириш ва солиқ юкини мақбуллаштириш ҳамда маҳаллий бюджетлар даромадини барқарорлаштириш имконияти яратилди;

жисмоний шахслар мулкига солинадиган солиқни ҳисоблаб чиқаришда мулкнинг инвентаризация қийматини кадастр ҳужжатларидан келиб чиқиб белгилаш, бироқ 3 000 минг сўмдан кам бўлмаган миқдорда ҳисоблаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 22 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2016 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги ПҚ-2455-сонли қарорининг 19-илоvasи билан солиқ амалиётига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг 2016 йил 12 декабрдаги 16/1-29204-сон маълумотномаси). Мазкур таклифнинг амалиётга татбиқ этилиши орқали мулкларни (уй-жойларни) кадастр ҳужжатларидаги қиймати билан бозор қиймати ўртасидаги тафовутлар мақбуллашиб, давлат бюджетига мулк солиғи бўйича тушумлар прогноз кўрсаткичларининг аниқлигини оширишга эришилди;

2016 йил 1 январдан бошлаб қишлоқ хўжалиги ерларини қайта баҳолаб, ерларнинг янги меъёрий қийматига нисбатан ягона ер солиғи ставкасини 6 фоиздан 0,95 фоизга пасайтириш таклифи Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 22 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2016 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги ПҚ-2455-сонли қарорининг 21-илоvasи билан солиқ амалиётига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг 2016 йил 12 декабрдаги 16/1-29204-сон маълумотномаси). Мазкур таклифларнинг жорий этилиши натижасида 2016 йилда маҳаллий бюджетларга 76,2 млрд. сўм миқдорда қўшимча маблағ тушишига эришилди;

давлат бюджети даромадларини жамлаш тартибини такомиллаштириш мақсадида жисмоний шахслардан келиб тушадиган солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни бюджет даромадларини ғазна ижросига қамраб олиш

тартиби Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ кўмитаси ва Давлат божхона кўмитасининг 2016 йил 24 мартдаги 20, 2016-14, 01-02/8-10-сон кўшма қарорига асосан амалиётга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2016 йил 9 сентябрдаги № ММ/31-01/1-32-10/2527-сон маълумотномаси). Бунинг натижасида Давлат бюджети даромадларига жамлаш жараёнида транзит вазифасини бажариб келаётган банк ҳисобрақамларида кун охирида қолиб кетаётган жисмоний шахслар томонидан тўланадиган солиқ ва бошқа мажбурий тўловларнинг 20-30 млн. сўмгача бюджет маблағлари давлат бюджетига кўшимча равишда ундирилишига эришилди.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 20 та, жумладан, 7 та республика ва 13 та халқаро илмий-амалий конференцияларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 31 та илмий иш, шу жумладан, ҳаммуаллифликда 1 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган журналларда 9 та, жумладан, 8 та республика ва 1 та хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 154 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва аҳамияти асосланган, тадқиқот мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, илмий жиҳатдан янгилиги ва амалий натижалари баён қилиниб, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларининг синовдан ўтганлиги, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Тадқиқот ишининг биринчи боби «**Давлат бюджетини прогнозлаштиришнинг назарий, ташкилий-услубий асослари**» деб номланиб, давлат бюджетини прогнозлаштиришнинг назарий жиҳатлари, прогнозлаштириш тартиби таснифи ҳамда ривожланган давлатларнинг давлат бюджетини прогнозлаштириш юзасидан илғор тажрибалари ёритилган.

Ушбу бобда давлат бюджети прогнозлаштириш услубиёти борасида олиб борилган илмий тадқиқотлар гуруҳларга ажратилган ҳолда ўрганилган. Давлат бюджетини прогнозлаштириш мамлакатдаги сиёсий жараёнлар, улар натижасида мамлакатда рўй берадиган ўзгаришлар ҳамда уларнинг бюджет жараёнига таъсири, бюджет даромад ва харажатлари ҳамда уларга таъсир этувчи омиллар, давлатларнинг ривожланиш даражасига кўра турли моделлар асосида ишлаб чиқилиши зарурлиги илмий асосланган.

«Давлат бюджетини прогнозлаштириш» тушунчасига муаллифлик таърифи берилган: «Давлат бюджетини прогнозлаштириш – давлат бюджети даромад ва харажатларининг ўзгариш тенденцияларини баҳолаб, уларга таъсир этувчи эндоген ва экзоген омилларни ҳисобга олган ҳолда илмий асосда ишлаб чиқилган давлат бюджетининг истиқбол даврга мўлжалланган кўрсаткичлар тизимини ишлаб чиқишдир».

1-жадвал

Давлат бюджети прогноз кўрсаткичлари бажарилиши ҳолати таҳлили (фоизда)⁹

Кўрсаткичлар	2006 й.	2007 й.	2008 й.	2009 й.	2010 й.	2011 й.	2012 й.	2013 й.	2014 й.	2015 й.	2016 й.
Даромадлар - жами	-11,0	-22,9	-23,2	-4,0	-3,7	-5,5	-3,3	-4,5	-5,2	-0,9	-1,3
Бевосита солиқлар	-4,3	-18,2	-28,8	-2,6	-3,7	-6,1	-4,2	3,5	4,6	-2,9	-5,5
Билвосита солиқлар	-6,2	-17,7	-15,5	-5,4	1,7	5,0	6,7	-2,8	-7,9	-0,4	5,2
Ресурс тўловлари ва мулк солиғи	-1,8	-6,6	-8,8	-6,0	-6,2	-13,7	-20,6	-3,5	4,6	16,1	8,6
Бошқа даромадлар	-74,6	-203,1	-98,3	-4,7	-18,6	-62,4	-34,6	-39,1	-34,2	-65,6	-77,9
Харажатлар - жами	-1,7	-9,2	-10,0	1,4	2,5	1,6	3,2	1,9	0,5	4,4	4,2
Ижтимоий соҳа харажатлари – жами	-1,1	-0,7	-6,2	4,5	3,4	4,0	1,7	2,7	1,5	5,1	4,7
- таълим	-1,3	0,8	-4,8	6,5	3,7	5,2	1,3	2,0	0,9	4,8	4,1
- соғлиқни сақлаш	-2,9	-2,3	-8,4	2,4	-0,7	-0,4	-7,3	1,6	-0,3	3,0	3,2
Давлат ҳокимияти, бошқарув, суд органини сақлаш харажатлари	-8,5	-15,1	-10,3	0,8	-6,8	-1,7	-3,4	-4,9	-6,8	-32,9	-37,7
Бошқа харажатлар	1,7	-33,7	-20,0	-6,7	2,3	-0,9	6,8	3,2	0,3	1,8	3,4


Республикада давлат бюджетини прогнозлаштириш макроиктисодий кўрсаткичларнинг ўзгариш тенденцияларига, мамлакатда олиб борилаётган ижтимоий-иктисодий сиёсатга ва ислохотлар натижасига боғлиқ жараён ҳисобланади. Давлат бюджетини прогнозлаштириш самарадорлигини аниқлаш учун прогноз кўрсаткичлари бажарилиши муҳим ҳисобланади. Ушбу жадвалда 2006-2016 йилларда давлат бюджети прогноз кўрсаткичлари бажарилиши таҳлил қилинди. 1-жадвалга кўра, давлат бюджети даромадлари кам прогноз қилинган, деган хулосага келиш имконини беради. Давлат бюджети харажатлари ортиқча прогноз қилинганлиги аниқланган. Давлат бюджети даромадлари прогноз кўрсаткичларидан ортиқча бажарилиши солиқ ва бошқа мажбурий ажратмалар бўйича солиқ тўловчиларининг тўлов қобилиятининг етарлича ҳисобга олинмаслиги аниқ прогноз ишлаб чиқилишига тўсиқ эканлиги билан изоҳланади. Давлат бюджети харажатлари ортиқча прогноз қилиниши режалаштирилган маблағларнинг мақсадли ва манзилли ишлатилиши натижасида юз берган.

Иккинчи боб «Давлат бюджетини прогнозлаштириш ва прогноз хатоликларини аниқлаш амалиёти таҳлили»ни тадқиқ қилишга

⁹ Тадқиқотчи ишланмаси асосида тузилган.

бағишланган бўлиб, давлат бюджети даромадларини прогнозлаштириш хусусиятлари, давлат бюджети харажатларини режалаштириш амалиёти таҳлили, давлат бюджетини прогнозлаштириш жараёнида прогноз хатоликларини баҳолаш юзасидан тадқиқотлар олиб борилган.

Ўзбекистонда иқтисодий ривожлантириш ва либераллаштиришда хўжалик субъектларига нисбатан солиқ юкини пасайтириш, аҳоли даромадлари табақаланишининг олдини олиш, аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш борасида чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Шундан келиб чиқиб, илмий тадқиқотда сўнгги йилларда солиқ турлари бўйича солиқ ставкаларининг ўзгариши ва давлат бюджети даромадларида солиқ тушумлари ҳолати тадқиқ қилинган.



1-расм. Юридик шахслар мулк солиғидан тушумлари прогноз кўрсаткичлари


Маълумки, 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясида маҳаллий бюджетларнинг молиявий мустақиллигини ошириш, қуйи турувчи бюджетларнинг юқори турувчи бюджетларга қарамлигини пасайтириб бориш вазифаси белгиланган. Тадқиқот жараёнида маҳаллий бюджетларнинг даромад манбаларидан бири мулк солиғи тушумлари ҳолати таҳлил қилинган.

1-расм маълумотларига кўра, мулк солиғи прогрессив ва пессимистик вариантларда прогноз қилинган. Ҳар икки вариантда солиқ ставкаси 1 фоизга оширилиши натижасида давлат бюджетига истиқбол даврларда кўшимча равишда тушиши мумкин бўлган даромадлар ҳажми ҳисоблаб чиқилган.

Хулоса ўрнида, солиқ ставкасининг оширилиши солиқ тушумларининг ортишига хизмат қилади. Солиқ ставкасининг оширилиши мулк эгасининг ўз мулкидан оқилона фойдаланишга бўлган рағбатини оширади.

Сўнгги йилларда (2003-2014 йй.) жисмоний шахслар мулкни солиққа тортиш жараёнида солиқ ставкасининг ўзгаришсиз қолиши ва 2008 йилгача уй-жойнинг инвентаризация қиймати бўлмаган ҳолларда тўланадиган шартли суммалари мулкнинг бозорда талаб ва таклиф қонуниятига асосида шаклланган

қийматларга мос равишда ўзгартирилмаганлиги эса жисмоний шахслар мулк солиғи бўйича тушумларнинг реал миқдорда пасайишига олиб келган.



2-расм. Мулкнинг инвентаризация қиймати мавжуд бўлмаган ҳолатларда қўлланиладиган шартли суммалар ўзгариш динамикаси, млн.сўмда¹⁰

Шунингдек, 2011 йилга қадар солиқ ставкаси табақалаштирилмаган ва ўзгаришсиз сақлаб қолинган. Олиб борилган таҳлиллар натижасида мулк қийматининг энг кам меъёрларини жорий этиш ва уй-жой қиймати мавжуд бўлмаганда белгиланадиган шартли қиймати, мулкнинг бозорда талаб ва таклиф қонунияти асосида шаклланган қийматга мутаносиб равишда ҳар йили қайта кўриб чиқиш амалиётини жорий этиш илмий – назарий жиҳатдан асосланган.


Олиб борилган тадқиқотлар натижасида жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғи бўйича тушумларни республика бюджетдаги умумдавлат солиқлари таркибидан маҳаллий бюджетнинг бириктирилган даромадлари таркибига ўтказилиши мақсадга мувофиқлиги аниқланган. Мазкур амалиётнинг жорий этилиши «...давлат бюджетининг барча даражаларида мутаносибликни таъминлаш, маҳаллий бюджетларнинг даромад қисмини мустаҳкамлашга қаратилган бюджетлараро муносабатларни такомиллаштириш»¹¹ вазифаси ижросини ва ҳудудларнинг молиявий мустақиллигини таъминлашга, шунингдек, маҳаллий давлат бошқаруви органларининг янги иш-жойларни яратишга, аҳоли даромадларини оширишга ва прогноз кўрсаткичлари бажарилишини таъминлашга нисбатан бўлган рағбатини оширади.

Жумладан, 3-расмда жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғининг маҳаллий бюджетлар даромадларидаги улуши ва маҳаллий бюджетларга ажратмалар меъёрларига асосан жисмоний шахслардан

¹⁰ Манба: http://lex.uz/pages/getpage.aspx?lact_id=2849448#2849804

¹¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони. – www.lex.uz

олинадиган даромад солиғи жами суммасининг маҳаллий бюджетлар даромадларига нисбатининг республика бўйича ўртача кўрсаткичи келтирилган. Бунда 9 ҳудудда (Қорақолпоғистон Республикаси, Андижон, Жиззах, Қашқадарё, Навоий, Наманган, Самарқанд, Сурхондарё, Сирдарё) маҳаллий бюджетларга ажратмалар меъёрларига асосан жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг маҳаллий бюджетлар даромадларидаги улуши республика бўйича ўртача кўрсаткичдан юқори эканлигини кўришимиз мумкин.



3-расм. Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг маҳаллий бюджет даромадларидаги улуши (фоиз ҳисобида)¹² (маҳаллий бюджетларга ажратмалар меъёрларига кўра ҳисобланган)

Тадқиқотчи фикрича, давлат бюджети, энг аввало, давлатнинг ўз олдида қўйган вазифаларини бажариши учун зарур бўлган маблағлар билан таъминлашга хизмат қилади. Шу нуқтаи назардан давлат бюджетининг даромад ва харажатларини оптимал тарзда прогнозлаштириш давлат ўз вазифаларини тўлақонли амалга оширишида муҳим аҳамият касб этади.

Амалга оширилган прогноз кўрсаткичлари билан ижро кўрсаткичлари ўртасида фарқларнинг, яъни давлат бюджетини прогнозлаштиришдаги хатоликлар катта бўлиши давлатнинг иқтисодий сиёсатини амалга оширишда узилишларнинг вужудга келиш сабабларидан бири саналади. Жумладан, давлат бюджети харажатларининг режалаштирилганидан ошиб кетиши давлат бюджети тақчиллигини келтириб чиқаради ёки давлат бюджети даромадлари бўйича режа кўрсаткичларининг тўлиқ бажарилмаслиги, айрим муҳим ижтимоий харажатларни қисқартиришга олиб келади. Шундан келиб чиқиб, давлат бюджет прогноз ва ижро кўрсаткичлари ўртасидаги фарқларни, яъни, прогнозлаштиришдаги хатоликларини минималлаштиришга ҳаракат қилади.

Тадқиқотда давлат бюджети даромад ва харажатларини прогнозлаштиришга оид хатоликлар баҳоланган ҳамда дастлабки прогноз ва ижро

¹² Тадқиқотчи ҳисоб-китоби асосида тузилган.

кўрсаткичларининг солиштирма таҳлили асосида прогноз хатоликлар даражаси аниқланган. Бунда, прогноз хатолик масштабини аниқлашда статистикадаги ўртача квадратик четланиш ва Тейл тенгсизлиги статистик кўрсаткичларидан фойдаланилган (2-жадвал).

2-жадвал

2006-2016 йилларда давлат бюджетининг дастлабки, тузатиш киритилган прогноз ва ижро кўрсаткичлари Тейл тенгсизлиги статистик таҳлили¹³

Кўрсаткичлар	U ₁ (a)	U ₁ (b)	U ₂ (a)	U ₂ (b)	U ₃ (a)	U ₃ (b)
Даромадлар* – жами	0,027	0,011	0,054	0,021	0,153	0,097
Бевосита солиқлар – жами	0,029	0,003	0,058	0,005	0,162	0,028
Билвосита солиқлар – жами	0,031	0,015	0,062	0,029	0,145	0,097
Ресурс тўловлари ва мулк солиғи	0,047	0,008	0,092	0,017	0,377	0,075
Устама фойда солиғи	0,359	0,017	0,541	0,033	0,743	0,098
Бошқа даромадлар	0,163	0,035	0,281	0,068	0,920	0,212
Харажатлар* – жами	0,012	0,009	0,023	0,018	0,089	0,092
Ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш харажатлари – жами	0,013	0,007	0,027	0,015	0,096	0,047
Иқтисодиёт харажатлари	0,009	0,012	0,019	0,024	0,115	0,068
Марказлаштирилган инвестицияларни молиялаштириш харажатлари	0,043	0,036	0,083	0,072	0,276	0,177
Давлат ҳокимияти, бошқарув органлари, суд органлари харажатлари	0,023	0,023	0,045	0,045	0,087	0,238
Бошқа харажатлар	0,023	0,031	0,047	0,063	0,126	0,188

a – дастлабки прогноз ва ижро кўрсаткичлари ўртасидаги таҳлил;

b – тузатиш киритилган бюджет прогнози ва ижро кўрсаткичлари ўртасидаги таҳлили;

* – бунда давлат мақсадли жамғармалар маблағларисиз келтирилган.

2-жадвал маълумотларига кўра, давлат бюджети даромадлари дастлабки прогноз ва ижро кўрсаткичлари ўртасидаги фарқ тузатиш киритилган давлат бюджети прогноз ва ижро кўрсаткичлари ўртасидаги фарқдан бир неча маротаба катта эканлиги аниқланди. Давлат бюджети харажат турларида эса улар ўртасида прогноз хатоликлар даражаси бир-биридан сезиларли даражада фарқ қилмайди. Демак, давлат бюджетининг харажат турлари даромад турларидан аниқроқ прогноз қилинганлигини тасдиқлайди. Тейлнинг уч тенгсизлиги орқали давлат бюджети прогноз хатоликлари масштаби баҳоланган бўлса, бюджет прогнози хатоликларининг келиб чиқиш сабабини эса куйидаги формула (1) ёрдамида аниқлаш таклиф этилди:

$$1 = \frac{(\bar{F} - \bar{A})^2}{1/n \sum (\bar{F}_t - \bar{A}_t)^2} + \frac{(S_f - S_a)^2}{1/n \sum (\bar{F}_t - \bar{A}_t)^2} + \frac{2(1-r)S_f \cdot S_a}{1/n \sum (\bar{F}_t - \bar{A}_t)^2} \quad (1)^{14}$$

Бу ерда: \bar{F} - прогноз кўрсаткичининг ўртача ўзгариши; \bar{A} - ижро кўрсаткичининг ўртача ўзгариши; S_f ва S_a - прогноз ва ижро маълумотларининг стандарт оғиш даражаси; r - прогноз ва ижро кўрсаткичлари ўртасидаги корреляция коэффиценти.

¹³ Тадқиқотчи ишланмаси асосида тузилган.

¹⁴ Morrison, R.J. (1986). Fiscal Marksmanship in the United States: 1950-83. Manchester School of Economic and Social Studies, 54(3), 322-333.

Шунингдек, 2006-2016 йилларда давлат бюджетининг дастлабки, тузатиш киритилган прогноз ва ижро кўрсаткичлари ўртасидаги хатоликларнинг келиб чиқиш сабаблари ҳам аниқланиб, хатоликларнинг келиб чиқиши, асосан, кўрсаткичларнинг таркибий силжиши ва тасодифий хатоликлар натижасида эканлиги исботланган.

Жумладан, давлат бюджети харажатлари турларида, хусусан, ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш харажатларига тузатиш киритилган ва ижро кўрсаткичлари ўртасида тасодифий хатолик кўрсаткичи 99,3 фоизга тенг бўлган. Келтирилган биринчи икки хатолик сабаблари тизимли бўлиб, прогнозлаштириш услубиётини такомиллаштириш орқали хатоликлар улушини камайтириш мумкин (3-жадвал).

3-жадвал

2006-2016 йилларда давлат бюджетининг дастлабки, тузатиш киритилган прогноз ва ижро кўрсаткичлари ўртасидаги хатоликларнинг келиб чиқиш сабаблари таҳлили (фоизда)

Кўрсаткичлар	Кўрсаткичлар таркибий силжиши натижасида		Вариация натижасида		Тасодифий хатолик натижасида	
	а	б	а	б	а	б
Даромадлар* – ЖАМИ	78	39,6	0	1,5	22	58,8
Бевосита солиқлар	18,4	64,6	15,9	2,1	65,7	33,2
Билвосита солиқлар	10,3	24,4	1	2,1	88,7	73,5
Ресурс тўловлари ва мулк солиғи	0,6	44,1	29	0,5	70,5	55,4
Устама фойда солиғи	59,2	18,1	10,2	0,2	30,6	81,7
Бошқа даромадлар	73,9	36,9	18,7	4,3	7,3	58,8
Харажатлар* – ЖАМИ	13,3	7,6	54,9	6,9	31,8	86
Ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш харажатлари	37,4	0,6	41,7	0,1	21	99,3
Иқтисодиёт харажатлари	28,8	4,4	36,2	0	35	95,6
Марказлаштирилган инвестицияларни молиялаштириш харажатлари	62,7	5,4	11,5	0,7	25,8	93,9
Давлат ҳокимияти, бошқарув органлари, суд органлари харажатлари	52,9	3,5	33,2	9,9	13,9	86,7
Бошқа харажатлар	0,5	12	38,6	21,1	60,9	66,9

а – дастлабки прогноз ва ижро кўрсаткичлари ўртасидаги таҳлил;

б – тузатиш киритилган бюджет прогнози ва ижро кўрсаткичлари ўртасидаги таҳлили;

* – бунда давлат мақсадли жамғармалар маблағларисиз келтирилган.

Давлат бюджети прогноз хатоликларини аниқлаш натижадорлигини баҳолаш учун қуйидаги формула таклиф этилган:

$$E_t = \alpha_1 + \alpha_2 T + v(t) \quad (2)^{15}$$

Бу ерда: $E_t = 100 \cdot (F_t - A_t)/A_t$; F_t - Давлат бюджети прогноз кўрсаткичлари; A_t - Давлат бюджети ижро кўрсаткичлари; T_t - вақт тренди чизиғи.

Давлат бюджети прогноз хатоликларини аниқлаш натижадорлиги чегараси 0 қиймат атрофида белгиланиб, агар давлат бюджети прогноз хатоликлари даражасини камайтиришга эришилганда $\alpha_2 < 0$, акс ҳолда эса

¹⁵ Lovell, M.C. (1986). Tests of the Rational Expectations Hypothesis. American Economic Review, 76(1), 110-124.

$\alpha_2 > 0$ ҳолатга эришилади. Жумладан, 4-жадвал маълумотларида давлат бюджети даромадларининг аксарият турларида прогноз хатоликлари камаяётганлиги ($\alpha_2 < 0$), прогнозлаштириш услубиёти яхшиланаётганидан далолат беради. Аксинча, давлат бюджети жами харажатларида $\alpha_2 < 0$ бўлишига қарамасдан, харажат турларида $\alpha_2 > 0$ эканлиги, прогнозлаштириш услубиётида муаммолар мавжудлигини кўрсатмоқда.

Юқорида қайд этилган айрим ҳолатларни эконометрик нуқтаи назардан математик моделлаштириш орқали илмий асосланган хулосаларни шакллантириш мақсадга мувофиқдир. Таъкидлаш жоизки, сўнгги ўн йилда маҳаллий бюджет харажатларида таълим ва соғлиқни сақлаш харажатлари улуши ҳудудлар кесимида турлича бўлиб, таълим харажатлари улуши 40 фоиздан 55 фоизгача, соғлиқни сақлаш харажатлари 18 фоиздан 27 фоизгача фарқланиши кузатилган.

4-жадвал

2006-2016 йилларда давлат бюджети прогноз хатоликларини аниқлаш натижавийлигини баҳолаш¹⁶

Кўрсаткичлар	α_1 (a)	α_1 (b)	α_2 (a)	α_2 (b)
I. Даромадлар* – жами	-564,00	15,693	-38,08	-1,522
1. Бевосита солиқлар	-309,19	12,666	30,47	-1,050
2. Билвосита солиқлар	-76,61	11,26	-13,31	-0,885
3. Ресурс тўловлари ва мулк солиғи	35,66	2,926	-235,2	0,998
4. Бошқа даромадлар	-13,57	47,980	-95,60	-2,871
II. Харажатлар* – жами	4,342	5,520	-0,173	-0,366
1. Ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш харажатлари – жами	1,683	2,4439	0,208	0,130
2. Иқтисодиёт харажатлари	0,1509	0,612	0,325	0,305
3. Марказлаштирилган инвестицияларни молиялаштириш харажатлари	4,786	4,075	0,186	0,314
4. Давлат ҳокимияти, суд органлари ва маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органларини сақлаш харажатлари	6,34	9,165	-0,023	-0,627
5. Бошқа харажатлар	45,01	14,49	-2,77	-1,438

a – дастлабки прогноз ва ижро кўрсаткичлари ўртасидаги таҳлил;

b – тузатиш киритилган бюджет прогнози ва ижро кўрсаткичлари ўртасидаги таҳлили;

* – бунда давлат мақсадли жамғармалар маблағларисиз келтирилган.

Таълим ва соғлиқни сақлаш харажатларининг маҳаллий бюджетлар харажатлари таркибидаги улуши ўртача 70 фоиздан ортиқлигини инобатга олган ҳолда мазкур харажат турларига таъсир этувчи омилларнинг таъсир доираси аниқланган. Истикбол даврга мўлжалланган илмий прогнозларни шакллантириш мақсадида 2006-2016 йиллар мобайнида ўзгарувчиларни регрессион таҳлил қилишда «Panel модел»идан фойдаланилган. Маҳаллий бюджетларнинг таълим харажатлари миқдорига таъсир этувчи омиллар таъсирининг эконометрик моделини ишлаб чиқишда $X = \{X_1, X_2, \dots, X_n, t\}$ – танланган омиллар гуруҳи, яъни эркин ўзгарувчилар X_1 - ҳудудлардаги аҳоли сони, X_2 - таълим муассасаларида жами ўқувчилар сони, X_3 - энг кам

¹⁶ www.mf.uz – Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги расмий сайти маълумотлари асосида тадқиқотчи ҳисоб-китоби

иш ҳақининг йиллик миқдори, X_4 - таълим муассасаларида ишловчи ходимлар сони, t – вақт (тренд) омили кабилар танланган.

Мазкур эмпирик таҳлилда маҳаллий бюджетларнинг таълим харажатларига қайд этилган омилларнинг 10 йиллик 14 та ҳудуд маълумотлари асосида «Жамланма ЭКК» усулидан фойдаланиш мақсадида «Логарифм» функцияси қўлланилиб, фоиз кўринишида ифодаланган X_1 , X_2 , X_3 ва X_4 омиллар логарифм кўринишига келтирилди ҳамда қуйидаги регрессион тенгламаси ҳосил қилинди:

$$\text{Log}(Y) = 10,25 - 0,62 * \text{Log}(X_1) + 0,33 * \text{Log}(X_2) + 0,771 * \text{Log}(X_3) + 0,162 * \text{Log}(X_4) \quad (3)$$

Регрессион таҳлил натижасига кўра, барча эрксиз ўзгарувчилар статистик аҳамиятли эканлиги, мазкур ўзгарувчиларнинг ўзгармас омилга таъсири сезиларли даражадалигини англатади.

Юқоридагиларни ҳисобга олган ҳолда, бошқа омиллар ўзгармас бўлган ҳолатда таълим олувчилар ва уларга хизмат кўрсатувчи ходимлар сонининг 1 %га ошиши таълим харажатларининг мос равишда 0,33 ва 0,77 %га ортишига олиб келади. Энг кам иш ҳақи йиллик миқдорининг 1 %га оширилиши эса маҳаллий бюджетлар таълим харажатларининг 0,16 %га ошишига олиб келади. Шунингдек, R-квадрат 85 %га тенг эканлиги, мазкур ишлаб чиқилган модел натижаларининг ишончилигини билдиради. Бундан ташқари, мазкур моделнинг стандарт хатолиги (Standard error of regression) даражаси нолга яқини танлаб олиниб, F-статистикасининг эҳтимоллик маъноси (probability of F-statistics) нолга тенглиги, моделнинг ҳаётийлик даражаси юқори эканлигини ифодалайди.

Бундан ташқари моделнинг реаллик даражасини аниқлаш мақсадида «Акаике инфо критерийси» (Akaike info criterion), «Шварц критерийси» (Schwarz criterion), «Анна-Квинн критерийси» (Hannan-Quinn criterion)лари орқали тестдан ўтказилди. Бунда «Жамланма ЭКК» усулини қўллаган ҳолда, энг кичик қийматга эга бўлган модел танланди. Танланган моделнинг «Дарбин-Уотсон статистик критерийси» (Durbin-Watson stat) ҳам идеал ҳолатда эканлиги аниқланди ($\approx 1,89$).¹⁷

«Соғлиқни сақлаш» харажатларини прогнозлаштириш моделининг эконометрик таҳлилини амалга оширишда энг кам иш ҳақининг йиллик миқдори (X_1), аҳоли жон бошига даромад ҳажми (X_2), койка-кунлар сони (X_3), аҳоли зичлиги, (X_4), аҳоли жон бошига тўғри келадиган ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми (X_5), ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми (X_6) каби кўрсаткичлардан фойдаланилган ҳолда қуйидаги модел ишлаб чиқилди.

$$\text{Log}(Y) = 4.406 + 0.890 * \text{Log}(X_1) - 0.027 * \text{Log}(X_2) + 0.155 * \text{Log}(X_3) + 0.032 * \text{Log}(X_4) + 0.322 * \text{Log}(X_5) - 0.334 * \text{Log}(X_6) \quad (4)$$

Бошқа омиллар ўзгармас бўлган шароитда соғлиқни сақлаш харажатларини прогнозлаштириш модели асосида ЯХМнинг ва ҳудудлардаги аҳоли жон бошига даромадларнинг 1 %га ошиши, ушбу харажатларни мос

¹⁷ «EViews 10.0» дастури ёрдамида ишлаб чиқилган.

равишда 0,33 ва 0,027 %га камайишига, энг кам ойлик иш хақи ва койка-кунлар сонининг 1 %га ошиши харажатлар улушини мос равишда 0,89 ва 0,155 %га ошишига олиб келиши исботланган.

Учинчи боб «Ўзбекистонда давлат бюджетини прогнозлаштиришни такомиллаштириш йўллари»ни тадқиқ этишга бағишланган бўлиб, давлат бюджетини прогнозлаштиришнинг услубий асосларини такомиллаштириш йўналишлари ва давлат бюджети даромадларининг истиқбол даврларга мўлжалланган прогноз сценарийлари ишлаб чиқилган.


Давлат бюджетини прогнозлаштириш жараёнида мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг қисқа ва ўрта муддатга белгиланган сценарийлари ишлаб чиқилиши муҳим аҳамият касб этиб, бунда Солиқ кодекси, Бюджет Кодекси ва бошқа қатор меъёрий ҳужжатларга асосланган ҳолда амалга оширилади.

